

2012-yil,

6-mart.

28 (31.460) Seshanba

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ватан химояси — мукаддас бурч

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ ишончли посбонлари

Истиклол йилларида мамлакатимизда демократик хуқуқий давлат қуриш, инсон манфаатлари, хуқуқ ва эркинликларини амалда олий қадрият даражасига кўтаришга алохида эътибор қаратилмоқда.

Хукук-тартиботни мустахкамлашнинг мухим бўгини бўлган ички ишлар идоралари фаолияти тубдан такомиллаштирилгани хам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Давлатимиз рахбарининг соха фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари бунда мухим дастуриламал бўлмоқда.

Ички ишлар тизимида профилактика хизматининг ташкил этилгани, милиция таянч пунктлари инфратузилмаси замон талабларига мослаштирилаётгани махаллаларимиз тинчлиги ва халкимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Профилактика инспекторлари нафакат жиноятчиликка қарши курашувчи, балки ахолининг хукукий маданиятини юксалтириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда фаол иш олиб борувчи масъул ходим сифатида хам намоён бўлмоқда.

Профилактика инспекторларининг махалла фукаролар йигини оксоколи, диний маърифат ва маънавийахлокий тарбия масалалари бўйича маслахатчи, махалла посбонлари каби тузилмалар билан ўзаро хамкорлиги тобора яхшиланаётгани махаллалар мухитини согломлаштиришда мухим ўрин тутаётир.

Сохадаги ишлар самарадорлигини янада кучайтириш мақсадида Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида мамлакатимизнинг барча худудларидан келган профилактика инспекторлари учун малака ошириш курси ташкил этилди. Улар жорий йилнинг

1 февралидан 4 мартигача академия харбий дала масканида касб

билими ва махоратини оширди.

Узбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-лейтенант Б.Матлюбов, Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиги полковник Ш.Икромов ва бошкалар Президентимиз Ислом Каримов рахнамолигида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни саклашга доимий эътибор қаратилаётгани ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Бу борада ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига юкланган улкан масъулиятни сидкидилдан бажариш соха ходимларидан фидойилик, билим ва малака хамда махорат талаб қилади. Шу боис уларнинг малакасини ошириш, билимини мустахкамлаш ва жисмоний тайёргарлигини янада яхшилаш масаласига алохида эътибор қаратилаётир.

Профилактика инспекторлари юксак муомала маданиятига, намунали одоб-ахлоққа эга шахс бўлиши даркор. Зеро, улар ахоли билан якин ва махалла фаоллари билан бахамжихат фаолият олиб борувчи ходимдир. Малака ошириш жараёнида мана шу жихатларга хам алохида эътибор қаратилди. Давлатимиз рахбари таъкидлаганидек, юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустахкам алоқа ўрнатиш — хар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоги лозим.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири. ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа



МУСТАХКАМ ОИЛА — ИЖТИМОИЙ ТАРАККИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши Қашқадарё вилоятида Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш, Соғликни саклаш вазирликлари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа ташкилотлар билан хамкорликда оила мустахкамлигининг ижтимоий-иктисодий омилларига бағишланган амалий семинар ўтказди.

Унда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни янада ривожлантириш, ахоли, айникса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, оилаларда соглом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари мухокама қилинди. Шунингдек, тадбир доирасида мехнат яр-

маркаси ташкил этилиб, 62 та ташкилот ва корхона 520 та бўш иш ўринлари билан катнашди.

Қарши шахридаги Банк касб-хунар коллежи хар качонгидан гавжум. Коллеж битирувчилари, хунарли хотин-қизлар, уйда ўтирган аёллар, вақтинча ишсиз ёшлар ҳамда пар-

тиямиз электорати вакиллари ўзларига муносиб иш топиш имконига эга бўлишди — Бугунги кун ҳаётимда алоҳида

ўрин тутади, — дейди Қарши шахар туғуруқ мажмуасига ишга қабул қилинган Зулфия Сатторова. — Чунки тиббиёт коллежининг акушерлик бўлимини тугатган эдим. Мехнат ярмаркасида ўз ихтисослигим бўйича иш топдим. Мухими, энди мен хам хисса қўшаман. Нафақат мен, балки касб-хунар коллежларини тугатган бошқа тенгдошларим ҳам ишга жойлашадиган бўлишди.

(Давоми 2-бетда.)

Глобал экологик муаммо

Иирик гидроэнергетик иншоотлар:

ТАЛАФОТЛАР, ТАХДИДЛАР ВА ТАХЛИКАЛАР ЗАНЖИРИ



Марказий Осиё жугрофий ва геосиёсий жиҳатдан мухим ахамиятга эга бўлган Евроосиё қитъасининг қоқ марказида жойлашган бўлиб, дунё тамаддунининг илк ўчоқларидан бири саналади. Бу тамаддуннинг пайдо бўлиши ва равнаки кўп жихатдан кўхна Амударё ва Сирдарё шарофатидандир.

Узок аждодларимиз саховатли дарёлар ва уларнинг ирмоқлари атрофида муаззам шахарлар барпо этишган, башарий маданий ва маънавий мерос яратишган. Шу боис, қадимги ёзма ва огзаки осори-атикаларимизда, муқаддас Авесто, кўх-

на Бехустун ёзувларида бу улуг дарёларимизнинг номлари зикр килинади. Истилочилар карвонига эргашиб келган юнон, форс ва араб муаррихлари ва сайёхларининг асарларида «Оксус», «Жайҳун», «Яксарт» ва «Сайҳун» деб номланиб, улар орасидаги

сархадлар «Икки дарё оралиги» тарзида таърифланган.

«Марказий Осиё месопатамияси» — Ўзбекистоннинг катта худуди хам мана шу дарёлар билан суғорилган. Шу боис халқимиз уларни хамиша она дарёлар янглиг ардоклаб келади. Оролнинг қон томири саналган дарёларимизнинг хаёт нафаси ичимлик суви ва озиқовкат махсулотларининг таркибида аждодларимиз вужудида неча минг йиллар айланди экан-а?!

(Давоми 3-бетда.)

Партиялараро бахс

ДЕПУТАТЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Ёхуд Жиззах шахар Кенгашига «Адолат» СДПдан сайланган депутатлар фаолияти хакида

УзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

АЁЛЛАР УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

ЎзХДП Учкўргон туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, қўлида касби, хунари бор хотин-қизлар, вақтинча ишсиз аёллар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда партиянинг Наманган вилоят кенгаши ходимлари, депутатлар ва махалла фукаролар йигинлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда иш билан банд бўлмаганлар сони нисбатан кўпроқ бўлган худудлар, жумладан, «Бахт» қишлоғидаги 3200 аҳоли истиқомат қилаётган Каттачек маҳалласида аёллар учун янги иш ўринлари яратиш бўйича катор ишлар килингани кайд этилди.

— Бир неча ой аввал Каттачекда эркаклар ва аёллар либоси тикишга ихтисослашган «Омина-Ойдина-Оиста» хусусий корхонаси ташкил этилган эди, — дейди туман кенгаши депутати З. Ахмедова. — Хозир бу ерда 30 нафар чевар хотин-қиз меҳнат қилмокда. Яқин орада касб-хунар коллежи битирувчиларидан яна беш нафари доимий иш билан таъминланади.

Бундан ташқари, йиғилишда бу маҳаллада ахоли томорқаларидан унумли фойдаланиш масаласи хам мухокама этилди. Хусусан, Баходир Исахонов оиласи томорқасида 2,5 сотих ерда иссикхона ташкил этилгани, унда мехнат килаётган оила аъзоларига мехнат дафтарчаси очилгани бошкаларга ҳам ибрат бўлиши кераклиги таъкидланди.

Аммо туман Кенгаши, депутатлик гурухи аёллар бандлигини таъминлаш бўйича имкониятлардан етарли фойдаланмаётгани айтиб ўтилди. Бу масалада аниқ таклифлар, ташаббуслар зарурлигига эътибор каратилди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзХДП Наманган вилояти кенгаши масъул ходими Манзура Исломова, «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Фотима Пўлатова, туман Кенгаши депутатлик гурухи рахбари Икромжон Абдурасулов ва партия фаоли Карима Қорабаева оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, шахсий томорқалардан унумли фойдаланиш бўйича тажрибаларни кенг тарғиб қилиш ҳақида ўз фикр-мулохазаларини билдиришди.

Носиржон ДЕХКОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Оила хакидаги хикматлар

Аёлни улугламок — оилани, Ватанни, хаётни улугламоқ демакдир. Бу хакикат хар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланиши даркор. Ислом КАРИМОВ

Миллий матбуот

марказида

ФУКАРО МУХОФАЗАСИ —

устувор вазифа

Умумжахон Фукаро мухофазаси куни хамда Фавкулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топганининг 16 йиллиги муносабати билан мана шу мавзуда матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Президентимиз шу йил 7 февралда «2012 йилда сел-тошкинлар ва ер кўчки ходисалари билан боглик фавкулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси ахолиси ва худудларини химоя қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида» қарор қабул қилди.

Унинг ижросини таъминлаш, ахоли ва худудларни гидрометерологик ва геологик хавфли вазиятдан мухофаза қилиш, фавқулодда холатларнинг олдини олиш, ахоли хавфсизлигини таъминлаш, йирик дарёлар қиргокларини мустахкамлаш. гидротехник иншоотларни таъмирлаш борасида килинган ишлар айтиб ўтилди.

Мутахассисларнинг хисоб-китобларига кўра, ўтган йили сув хўжалиги объектлари барқарорлигини ошириш, қирғоқларни мустахкамлаш ва мухофаза қилиш мақсадида республика бўйича жами 2 миллион 511 минг M^3 тупроқ, 26 минг 50 M^3 тош, 3 минг 567 м³ бетон ишлари бажарилган ва 1 минг 423,6 пог.км магистрал канал ўзанлари тозаланган. Бундан ташқари, Наманган вилояти худудидан оқиб ўтувчи Норин ва Сирдарё дарёларининг энг хавфли кисмида дамбалар тикланган, мустахкамланган.

Вазирлик сел ва сув тошқини содир бўлиши мумкин бўлган худудларда 43 та махсус тактик ўқув машғулотлари ўтказди. Унга 40 минг нафардан ортик ишчи-ходимлар ва ахоли вакиллари жалб этилди. 2012 йил бахор-ёз мавсуми олдидан барча сел ва сув тошкини хавфи мавжуд худудлар бирма-бир ўрганиб чиқилди. Айни пайтда хавфли худудда жойлашган иншоот ва ахоли масканларини химоя қилиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Республикамизнинг тогли худудларидаги қор захираларини ва баланд тоглардаги кўлларнинг холатини бахолаш, қор кўчиши, сел ва кўчки хавфи мавжуд бўлган худудларни аниқлаш мақсадида жорий йилнинг хозирги кунига қадар 6 маротаба аэровизуал кузатувлари амал-

Равшан ШОДИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 6 МАРТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 Дания кронаси

1 Австралия доллари 1 Англия фунт стерлинги 1 БАА дирхами

1960,8 2897,79 325,25

498,89

1 АҚШ доллари 1 Миср фунти 1 Исландия кронаси

1 Канада доллари

1832,19 1850,14

1 Россия рубли 1 Украина гривнаси 1 Малайзия ринггити 229,37 607,89

1 Туркия лираси 1 Швейцария франки 1036,13

10 Жанубий Корея вони 10 Япония иенаси



инсон манфаати ва УНИНГ КАФОЛАТИ

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўгрисида»ги Қонун имконияти чекланган кишилар ўз қобилиятини рўёбга чиқариши, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда имконияти чекланган инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар жамият хаётида фаол иштирок этиши учун хуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий асослар яратиб берилган. Уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос тизими шаклланган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўгрисида»ги Қонунда шу тоифа фукароларга қулайлик туғдириш, қоплаш (компенсация килиши) учун шарт-шароитни таъминловчи ҳамда уларга жамият ҳаётида бошқа фукаролар билан тенг иштирок этиш имкониятини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва хукукий чора-тадбирлар тизими белгиланган.

Қонуннинг 15-19моддалари ногиронларнинг таълим олиши ва касб тайёргарлиги учун шароит яратишда давлат кафолатлари **хақида.** Шунингдек, халқ таълими, соғликни саклаш ва ижтимоий таъминот тизимида ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари тарбияси, ногиронларнинг касб тайёргарлиги, уларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги режаларини ишлаб чиқиш ва шу асосда улар махсус ва олий таълим олишини таъминлаш кафо-

Имконияти чекланган инсонларнинг мехнат қилиш хуқуқи рўёбга чиқишини давлат кафолатлайди. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23 ва 24-моддаларида шунга тааллуқли хуқуқий

латланган.



Шухрат ТУРСУНБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

асослар белгиланган. Унга кўра, ногиронларнинг мехнат шароити одатдагича бўлган муассаса ва ташкилотларда, ихтисослаштирилган корхоналарда ишлаш хуқуқи, шунингдек, якка тартибда хамда қонун билан тақиқланмаган бошқа мехнат фаолияти билан шуғулланиши кафолатланган.

Қонуннинг 25-моддасига мувофик, ходимларининг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларда махаллий давлат хокимияти идоралари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида уч фоизи микдорида иш жойларининг энг кам сонини белгилаши ва захирада саклаши лозим. Бу борада махаллий давлат хокимияти идоралари тегишли қарор қабул қилади. Бир сўз билан айтганда, юртимизда имконияти чекланган кишиларни иш билан таъминлаш ўзига хос тамойилга асосланган.

Қонунчиликка кўра, улар учун иш жойлари банд килиб қўйилишини таъминламаган ёки уларни ишга жойлаштиришдан бўйин товлаган корхона ва ташкилот рахбарлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ногиронлар мехнатидан фойдаланиш учун уларнинг эхтиёжларини ва махаллий хусусиятларни хисобга олган холда, махсус корхоналар ташкил этилган. Хозир

бундай корхоналар вилоятлар бўйича фаолият кўрсатмокда. Уларда жисмоний имконияти чекланганлар мехнат қилиб, жамият равнақига хисса кўшмокда.

Махаллий хокимлик, корхона, муассаса ва ташкилотлар уйда ишловчи, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ногиронлар учун махаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб, қулайлик яратиб бериши, хомашё ва махсулот олди-соттисида зарур ёрдам кўрсатиши керак.

Кўриб турганингиздек, мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий химоя килиш ва қўллаб-қувватлаш қонунчилигимизда тўлиқ ўз ифодасини топган. Савол туғилади: унинг ижроси ҳамма жойда бирдек таъминланаяптими? Агар бу борада камчиликлар бўлса, уларни бартараф этиш учун нима қилиш керак?

Бунинг учун жойларда имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий мухофазаси билан боғлиқ қонун хужжатлари ижросини тизимли мониторинг қилиш, натижасини изчил тахлил этиб бориш зарур. ЎзХДП дастурида ижтимоий химоя асосий ўрин тутгани учун партиямиз худудий кенгашлари, махаллий Кенгашларидаги депутатлик гурухлари бу масалага алохида эътибор қаратиши лозим. Бунда махаллий хокимликлар, корхона ва ташкилотлар билан изчил ҳамкорлик қилиш яхши самара беради. Конун ижросини ўрганишда депутатлик сўрови ва Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан унумли фойдаланиш даркор. Шу орқали электорат манфаати самарали химоя қилинади, партия ташкилотлари тизимида ҳамкорлик мустахкамланади.

изки, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида таълим олувчи имкониятлари чекланган шахслар учун рўйхати тасдикланган. Шуни хисобга олиб, улар учун махсус йўналишли кредит турларини жорий этиш, шунингдек, тегишли грантлар эълон килиш масаласини хам ўйлаб кўриш керак. Бу кўлида хунари бор, укувли, аммо имконияти чекланган кишиларнинг ўз қобилиятини тўлик рўёбга чикариши, ҳаётда муносиб ўрин топиши, жамиятда фаол бўлишига замин яратали.

Шу ўринда, таъкидлаш жо-



МУСТАХКАМ ОИЛА — ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

мингга якин янги иш ўринлари яратилди, — деди Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбоси Шермухаммад **Ражабов.** — Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 191 миллиард сўм маблаг ажратилиб, кўплаб одамлар доимий мехнатга жалб қилинди. Бу ҳақда сўз кетганда, биргина Қарши шахридаги «Назирамебель» ва «Паризод» корхоналари 45 нафар кишини иш билан банд этганини айтиб ўтиш лозим. Отчопар махалласидаги «Феруза — Жавохир

— Жасурбек» хусусий фирмаси эса ибратли ишга қўл урди. Малакали мутахассисларни жалб этиб, ўша ерда истиқомат қилувчи 30 нафар кишига юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлаш хунарини ўргатди. Эндиликда улар касаначига айланган ва фирмага буюртма асосида шундай махсулотлар етказиб бермоқда.

Бу йил хам 88 мингдан зиёд янги иш ўринлари жорий қилинади, жумладан, уй мехнатининг барча турлари орқали 24 минг нафар ахоли ишли бўлади. Бундан ташкари, кишиларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда уй-рўзгор ишлари, оилада бола тарбияси билан банд бўлган ва қўшимча даромадга мухтож 4 мингдан зиёд аёлларни касаначиликка жалб этиш режалаштирилган. Жамиятда мехнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, қўшимча даромад

(Давоми. Боши 1-бетда.)

топиш, иш вактининг катъий белгиланмаганлиги, махсус биноларга эхтиёж бўлмаслиги ва бошка омиллар бу соханинг иктисодий самарадорлигини таъ-

— Жойларда ташкил этилган

Жамоатчилик қабулхоналарига

шу масала бўйича тушаётган мурожаатлар бор, — деди Банк касбхунар коллежи директори, Карши шахар кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гурухи рахбари Хушмурод Шодмонов. – Бу эса ахолини доимий мехнатга жалб этиш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада кучайтиришни талаб қилади. 2011-2012 йилги мавсумда шахардаги 7 та касб-хунар коллежини 8 мингга яқин ўқувчи битиради. Шу боис бу йил режа бўйича ўн мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш мўл-

жалланмокда.

— Жорий йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва касаначиликни ташкил этиш, ахолига банклар томонидан таклиф этилаётган хизматларнинг мазмун-мохияти хамда ахамиятини тушунтириш борасида кўплаб тадбирлар ўтказилмокда, — деди Республика Марказий банки кичик бизнесни ривожлантириш департаменти директори Актам Сайфуллаев. — Чунки кўпчилик одамлар банк иши ёки кредит бериш тартиби ҳақида аник тушунчага эга эмас. Масалан, хозир кредит олиш тартиби анча соддалаштирилган, такдим этилган хужжатлар эса уч иш куни ичида кўриб чикилади. Эндиликда, мижозлардан банкда ўз хисоб рақамини очиши учун ҳақ



олинмайди. Имтиёзли кредитлар эса энг кам иш хақининг икки минг бараваридан ортик бўлмаган суммагача ажратилади. Айни пайтда барча тижорат банклари қошида «Тадбиркорлар хонаси» ва «Тадбиркорлар бурчаги» ташкил этилган. Бундан ташқари, мазкур соҳани юксалтириш максадида бу йил 4 триллион 377 миллиард сўм маблаг сарфланмокда. Ўз навбатида, касб-хунар коллежи ўқувчилари учун ҳам 30 миллиард сўм маблаг ажратиш кўзда тутилган.

 Оила соғлом экан, жамият мустахкам. Президентимиз айтган бу тамойилни тўла-тўкис рўёбга чиқариш барчамиздан, аввало, тиббиёт ходимларидан катта масъулият талаб этади, — деди Кашқадарё вилоят соғликни саклаш бошкармаси бошлиги ўринбосари Умида Гозиева. Хозир биз жойларда чукурлаштирилган комплекс тиббий кўриклар ташкил этиш, «Оилада саломатлик» марафони ўтказиш, ирсий касалликларни аниклаш бў-

йича диагностик тадкикотлар доирасини кенгайтириш ва тиббий ёрдам сифатини ошириш каби мухим вазифаларни амалга ошириш учун харакат қилаяпмиз. Айни пайтда хомиладор аёлларга поливитаминлар ва зарур дори-дармонлар бепул тарқатилмоқда. Бу йил уларнинг барчаси ультратовуш текширишларидан ўтказилади. Бироқ ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам анчагина. Масалан, баъзи ота-оналарнинг келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласига беэътибор қараётгани хам бор гап.

Бундан ташқари, вилоятдаги тиббиёт коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига хам жиддий эътибор

қаратилмоқда. Яқинда 121 та хусусий тиббиёт муассасасида 87 та қўшимча иш ўрни мавжуд эканини аниқладик. Уларга иш топа олмай кийналаётган ёшларни тавсия килаяпмиз.


Семинар доирасида истиқболли деб топилган 30 та лойиха учун имтиёзли кредит олиш хукукини берувчи сертификатлар топширилди.

— Тикувчилик цехига рахбарлик қиламан, — дейди **Дилафрўз** Жабборова. — «Ипотекабанк»дан 40 миллион сўм кредит олаяпмиз. Бу эса яна 10 та иш ўрни яратиш имконини беради.

— «Ситорабону» деб номланган хусусий корхонамиз бор, — деди Фотима Мансурова. — Бу ерда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг буюртмаси асосида сахна либослари тикилади. Корхонамизда 20 нафар қўлигул чевар мехнат қилмоқда. Хозир олаётган 20 миллион сўм кредитдан махсулот турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, ишлаб чикаришни янада кенгайтириш хамда янги иш ўринлари очиш учун фойдаланамиз.

— Косон туманиданман, — деди Умр Ниёзов. — Бизда чорвачиликни ривожлантириш учун қулай имконият бор. Шу мақсадда ЎзХДП фаоллари маслахати билан банкка мурожаат этдим. Менга «Микрокредитбанк»нинг Қарши шахар бўлимидан йиллик 6 фоиз устама билан 31 миллион сўм кредит ажратиладиган бўлди. Ишлар юришиб кетса, нафақат оилам тўкис бўлади, балки махалла фаровонлигига хам хисса қўшаман.

> Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



УзХДП: «Истикбол» ёшлар каноти

ЮKCAK МАЪНАВИЯТЛИ

оила ва жамият олдида масъулиятли бўлади

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан «Ёшларни миллий гоя рухида тарбиялашда оиланинг ўрни ва ахамияти» мавзусида ташкил этилган давра сухбатида шу хакда фикр юритилди.

Феруза ДОНИЁРОВА, ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши «Истиқбол» ЁҚ етакчиси:

- Юртимизда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг мухим шарти» мавзусидаги халқаро конференцияда Президентимиз миллий ва умумбашарий қадриятлар уйгунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салохият ва илгор технологияларни эгаллаган инсонларгина эл ва давлат корига ярашини таъкидлади. Демак, бугун ўсиб келаётган ёш авлодни билимли, маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялаш ҳар қачонгидан хам долзарб масаладир. Бунинг учун уларда

Ватан равнакига дахлдорлик, оила ва жамият олдида масъуллик, бир сўз билан айтганда, ижтимоий-сиёсий фаоллик туйгусини кучайтириш

мухим ахамиятга эга. Инсондаги илк орзу-интилиш ва эзгу мақсадлар, аввало, оила багрида шаклланади. Бунга, хар бир отаона эътибор бериши зарур. Шундан келиб чиқиб, партия фаоллари ва депутатлар билан бирга ота-оналар ва ёшлар билан бу борада эркин сухбатлар ўтказишни режалаштирганмиз. Болаларнинг қизиқиши ва истакларини ўрганиш, улар рўёбга чиқишига кўмалашиш керак. Бунинг учун маърифий тадбирларни кўпрок чекка худудларда ўтказиш яхши самара беради. Уларда аждодларимиз ардоклаган анъана ва кадриятларни асрабавайлаш, ёшлар тарбиясида

оиланинг ахамиятини ошириш, бу борада қанот фаолларининг олдида турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш даркор.

Нилуфар ТАШБАЕВА, Навоий шаҳар «Оила» илмий-амалий маркази рахбари:

— Кучли жамият барпо этишнинг асосий омилларидан бири — оилалар мустахкамлиги, албатта. Бунда, айникса, асосий масъулият отаона зиммасига тушади. Улар маърифатли бўлса, фарзанд яхши тарбия топади, нима яхши, нима ёмонлигини теран англаб вояга етади. Маънавий олами бой бўлган отаона бола тарбиясига жиддий қарайди, уни одобли, билимли ва яхши инсон қилиб улғайтиради. Шундан келиб чиқиб, биз турмуш қуриш остонасида турган ёшлар билан кўпроқ мулоқот олиб боришимиз лозим. Маърифий тадбирлар оркали миллий менталитет ва қадриятларга хурмат рухини ривожлантириш мумкин

Лазиза ШЕРОВА, «Узбекистон овози» мухбири.

Партиялараро бахс

ДЕПУТАТЛАР МАСЪУЛИЯТИ КАНИ?

Ёхуд Жиззах шаҳар Кенгашига «Адолат» СДПдан сайланган депутатлар фаолияти хакида

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гурухлари фаолияти сиёсий партиялар мавкеини белгиловчи мухим омил. Сайловолди дастуридаги вазифалар самарали бажарилиши, худудлар ижтимоий-иктисодий ривожланиши билан боглик масалалар ечим топиши, бу борада одамлар ишончи оқланишида долзарб ахамиятга эга. Бунга енгил қараган сиёсий партиялар сайловчиларга берган ваъдаларини бажариши кийин бўлади. Шу боис «Адолат» СДП нашрида берилаётган асоссиз танқидий мақолалар билан танишиб, ишлари кичигу гапи катта бўлган партиянинг Жиззах шахридаги фаолиятига эътибор қаратайлик.

Жиззах шахар Кенгашидаги «Адолат» СДП депутатлик гурухи худуднинг ривожланиш хусусиятларини тахлил қилишга, партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси билан боғлиқ масалаларни доимий комиссиялар ёки сессия мухокамасига олиб чиқишга ўзида куч топа олмаяпти, десак, муболаға бўлмайди.

Ўтган йили шаҳар Кенгашининг олтита сессияси бўлди. Уларда давлат ва махаллий дастурлар

ижроси, худудий ривожлантиришга оид мухим масалалар мухокама килинган. Аммо йил давомида «Адолат» СДП депутатлик гурухи бирон-бир ташаббус билан чиқмаган. Савол туғилади: нега бундай бўлаяпти? Нима, Жиззах шахрида «Адолат» СДП дастурига алоқадор масала йўқ-

Шахар Кенгашининг 9-сессияси кун тартибига ЎзХДП депутатлик гурухи таклифи билан иккита — «Жиззах шахрида ахоли-

ни иссик сув ва марказлаштирилган иситиш билан таъминлаш тўгрисида»ги хамда «Жиззах шахрида инвестицион лойиҳалар асосида янги қурилаётган корхоналар хамда сервис хизмати тизимини ривожлантириш орқали ёшларни иш ўринлари билан таъминлаш тўгрисида»ги масалалар киритилган. Сессияда мазкур масалалар, муаммо ва камчиликлар тахлил килинган. Уларнинг ечими бүйича муайян чора-тадбирлар белгиланган.

Таъкидлаш керакки, хар икки масала депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида кўтарилган. Демак, одамларга яқин бўлиб, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганган, унга ечим излаган депутат кўзланган натижага эришади. Шу боис, шахар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гурухи бу йил янада фаол ва ташаббускор бўлишга харакат қилаяпти. Аммо олтита сессияда бирорта таклиф киритмаган «Адолат» СДП депутатлик гурухи бу йил хам ўз фаолиятида бурилиш ясаганича йўқ.

«Адолат» СДПнинг Сайловолди дастурида «коммунал хизматлар сохасига инновация технологияларини жорий этиш ва хусусий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш, уй-жой коммунал сохасига йўналтириладиган маблагларнинг самарали ва окилона сарфланиши устидан депутатлик хамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш» каби мухим вазифалар белгилаб қў-

Хўш, бу ваъда қачон амалга

Депутатликни фақат обрў деб ўйлайдиган киши қаттиқ янглишади. Хар бир депутат худуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммолардан огох бўлиши, партия дастурига мос вазифалар ижросида ибрат кўрсатиши керак. Шунда одамлар ишончи

оқланади. **Хаёт ХИДИРОВ,** ЎзХДП Жиззах вилоят Кенгаши бўлим мудири.

Глобал экологик муаммо

ЙИРИК ГИДРОЭНЕРГЕТИК ИНШООТЛАР: ТАЛАФОТЛАР, ТАХДИДЛАР ВА ТАХЛИКАЛАР ЗАНЖИРИ

Бугунги кунга келиб, Марказий Осиёнинг йирик дарёлари сувларидан анъанавий сугорма дехкончиликдан ташқари бошқа мақсадларда фойдаланиш, сунъий тўгонлар ёрдамида уларнинг табиий биоритмини ўзгартириш, сувни товарга айлантиришга интилиш ва сув захираларини нооқилона сарфлаш холатлари яккол намоён бўлмокда.

Дарёларнинг юкори окимида жойлашган давлатларда йирик гидроэнергетик иншоотлар қуриш жазаваси тобора ортиб бормокда. Тожикистонда Рогун, Сангтуда, Рушан, Даштижума, Юқори-Амударё йирик гидроиншоотлари, Киргизистонда эса улкан Қамбарота-1 ва Қамбарота-2 ГЭСлари барпо этилмокда. Собик иттифок даврида чексиз пахта плантацияларини яратиш мақсадида бунёд этилган йирик сув омборлари эндиликда гидроэнергетик максадлар учун қайта мослаштирилмоқда. Катта даромад манбаи сифатида каралаётган ушбу янги иншоотларнинг қурилиши ортидан келиб чиқиши мумкин бўлган мислсиз талафотлар эса эътибордан четда қолмоқда. Зотан, бу талафотлар, тахдидлар ва тахликалар оқибатларини аниқ хисоб-китоб қилишнинг иложиси йўқ.

Йирик гидроэнергетик иншоотларда рўй берадиган техноген фалокатлар оқибатида, биринчи навбатда, айнан инсонлар хаёти хавф остида қолади. 1875 йил 7 августда Хитойнинг Хэнань провинциясидаги Ру дарёсига қурилган Баньцяо сув омбори тўгонининг ёрилиши натижасида энг катта фалокат содир бўлган эди. Расмий маълумотларга кўра, 170 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган, бинолар сув остида колган. Холбуки, денгиз сатхидан 118 метр баландликда жойлашган мазкур сув омбори тўгонларининг баландлиги атиги 24,5 метр бўлиб, унда 375 млн. куб/метр сув сақланар эди, холос.

1963 йил 9 октябрда Италиянинг Вайонт дарёсига қурилган тўғоннинг ўпирилиши окибатида 3000 га якин киши ҳалок бўлган. 1961 йилда қурилган мазкур гидроэнергетик иншоот орадан икки йил ўтиб фожиали фалокатни келтириб чикарди: 90 метрли тўлкинлар 8-12 метр/с тезликда шиддат билан ахоли масканлари устига ёпирилди. Катта иншоотнинг кулашига бор-йўги 7 минут вақт кетди. Мана шундай фалокатлар 2005 йилда Покистонда, 2007 йилда Вьетнамда, 2009 йилда Россияда содир бўлди. Саяно-Шушенск ГЭСидаги фаолокат эса 75 кишини хаётдан олиб кетди.

Катта тўгонлар халқаро комиссиясининг маълумотига кўра, хар йили дунёдаги сув иншоотларида 3 минг атрофида техноген фалокатлар содир бўлади. Уларнинг келиб чикиш сабаблари турлича бўлса-да, аксариятини тогли худудларда курилган катта сигимли сув омборлари ва йирик вазнли тўгонлар келтириб чикаради.

Марказий Осиёнинг тогли худудларида йирик тўгонли ГЭСлар қуриш инсон хавфсизлиги нуқтаи назаридан очик-ойдин хатарли қадамдир, чунки минтақамиз фаол сейсмик зона хисобланади. XIX асрда олиб борилган геологик илмий-дала тадқиқотлари Марказий Осиёнинг катта худуди MSK-64 шкаласи бўйича 9-10 магнитуд балли (Рихтер шкаласи бўйича 7,6 балл) худудда жойлашганлигини аллакачон аниклаб берган. Кўшни Тожикистондаги Нурек ва Киргизистондаги Тўхтагул йирик сув омборлари қурилиши муносабати билан ўтган асрнинг 50-60 йилларида олиб борилган сейсмологик текширувлар ҳам буни аниқ тасдиқла-

Узбекистонлик сейсмологларнинг таъкидлашича, баландлиги 5000-7000 метргача бўлган ўсувчи Жанубий Тяньшан-Помир-Олой тог тизмасининг Гиссар-Кокшол ва Илакси-Вахш тектоник силжишлар районида курилаётган Тожикистоннинг Рогун ГЭСи «тирик сейсмоген худуд»да,

(Давоми. Боши 1-бетда.)

яъни Тяньшан ва Помир тогларини ажратиб турувчи табиий тог ёрикларида жойлашган. Бу худуднинг 1907 йилда Қоратог, 1911 йилда Сарез, 1949 йилда Хайит пунктларида 7-7,5 балл оралигидаги ер силкинишлари кайд этилган

Марказий ва Шимолий Тяньшан ён багрида жойлашган Қиргизистоннинг Тўхтагул сув омбори хамда Қамбарота-1 ва Камбарота-2 ГЭСлари эса Фаргона-Талас тектоник силжишлар худудида барпо этилмокда. 1946 йилда Чотқолда қайд этилган 7,6 балли ер силкиниши кейинчалик қурилган Тўхтағул сув омборидан 35 км узокликда содир бўлиб, ўшанда бу зилзила 270 км олисдаги Тошкент шахри кўчаларининг дарз кетишига сабаб бўлган. 1992 йилда Сувсамирда кузатилган худди шундай даражадаги ер силкинишининг мазкур худудда қайталаниши хавфи мавжудлиги сейсмологлар томонидан огохлантирилмокда. Тўхтагул сув омбори хамда унга туташ худудлар, жумладан, Камбарота-2 ГЭСи курилаётган район 7,7 балли фаол тектоник худуд эканлиги 2009 йилда Давосда бўлиб ўтган Европа сейсмология комиссиясининг симпозиумида Ер тадқиқотлари бўйича Марказий Осиё институти мутахассислари томонидан ҳам исботлаб берилган.

Рогун ГЭСи районида сейсмик экспертиза ўтказган Германиянинг «Lahmeyer International» инжинерия ва консальтинг компанияси хулосасига кўра, тўгоннинг максимал баландлиги 225 метрдан ошмаслиги лозим.


Сал кейинрок, иқтисодий-техник экспертиза ўтказган «Coyne et Bellier» мустақил француз компаниясининг тавсиясига мувофик, худуднинг сейсмик холатидан келиб чиқиб, 175 метрлик тўғон қуриш кифоя ва бу 1,2 куб/км сув сиғимини ушлаб туришга имкон беради. Катта амалий тажрибага эга бўлган мазкур компанияларнинг асосли хулосалари Тожикистон хукумати томонидан тан олинмаганлиги хавотирлидир.

Умуман олиб қарағанда, ер силкинишлари содир бўлмаган такдирда хам тектоник фаол худудларда катта сув сиғимининг ушлаб турилиши, қудратли сув босими ва тўгонлар остидан сувнинг сизиши окибатида хосил бўладиган мўрт тош туз қатлами хамда огирлиги бир неча юз минг тонна келадиган тўгонларнинг вазни фавкулодда ер силкинишини келтириб чиқарадиган сунъий геологик омил вазифасини бажариши мумкин. Шу боис, Рогун ва Қамбарота ГЭСларининг қурилиши йирик техноген фалокатларни келтириб чикармайди, деган ноилмий хулосалар Марказий Осиё халкларининг хавфсизлигига қаратилган ҳақиқий таҳдиддир.

Қолаверса, мазкур гигант иншоотлар нафақат сейсмик фаол худудда, балки ахоли зич жойлашган катта ахоли пунктлари ва шахарларнинг ёнгинасида қад ростламоқда. Масалан, Рогун ГЭСи Душанбедан 110 км. минтакамиздаги энг баланд Нурек ГЭСидан 70 км узокликда жойлашган. Рогун ГЭСининг тўгони емирилиши оқибатида тошқин юзага келса, сувнинг баландлиги Нурек атрофидаги бошланғич нуқтада 245-280 метрни, Нукус атрофидаги охирги нуқтада 6-7 метрни хосил қилади. Бу даражадаги катта сув оқими ўз йўлидаги Вахш дарёси бўйида жойлашган каскад услубида барпо этилган барча сув ҳалқалари иншоотларини вайрон қилиб, мисли кўрилмаган фалокатни келтириб чиқаради.

Бунинг оқибатида Тожикистон, Афгонистон, Ўзбекистон ва Туркманистонда жойлашган 700 та ахоли пункти, жами 1,5 млн. гектар майдонда истиқомат қилаёттан 5 млн. ахолининг ҳаёти ҳавф остида қолади. Улар орасида Нурек, Сарбон, Қўргонтепа, Термиз, Мукри, Керки, Туркманбоши, Урганч, Нукус каби катта шаҳарлар бор.

Қамбарота ГЭС-1 ва унинг қуйи қисмидаги Тўхтағул сув омборидаги



техноген фалокат эса ундан кам бўлмаган қурбонларга сабаб бўлиши мумкин. Бундай фалокат бўлган такдирда, ахолиси гоят зич жойлашган Фаргона водийси ва бутун Марказий Осиё минтақасидаги 600 минг гектар майдонни қамраб олган 476 та ахоли пункти сув остида қолади. Кўриниб турганидек, фалокатлар минтақанинг чегарадош барча давлатларига бирдек таъсир қилади.

Марказий Осиёда йирик гидроэнергетик иншоотлар куришнинг энг салбий окибатларидан бири минтакамизда **сув танкислигининг** юзага келишидир.

Трансчегаравий дарёлар сувини йирик гидроэнергетик иншоотлар учун йигиб берадиган юкори окимдаги сув тўгонлари, шубхасиз, куйи окимдаги давлатларда сув танкислигини келтириб чикаради. Бу холат бир томондан, Оролбўйи атрофидаги вазиятни янада огирлаштиради, иккинчи томондан, халк хўжалиги ва истеъмол суви етишмовчилигига сабаб бўлади.

Тўхтагулнинг юқори қисмида Қамбарота ГЭСларининг қурилиши Норин дарёси оқимида жойлашган сув омборларидаги сув микдорини 25,1 куб/км.га етказади. Бу Норин дарёсининг Норин шахри яқинидаги бир йиллик сув оқими ҳажмидан деярли 2 марта каттадир.

Тожикистондаги Вахш дарёсида курилаётган Рогун, Сангтуда ГЭС-1, Сангтуда ГЭС-2 иншоотлари сунъий сув омборларидаги сув ҳажмини 10,5 куб/км.дан 25 куб/км.га, яъни икки ярим баробарга кўпайтиради. Панж дарёсида курилиши режалаштирилаётган Рушан, Даштижума, Юқори-Амударё гидроэнергетик иншоотларининг қурилиши натижасида Амударё сувининг 39,0 куб/км микдори сунъий сув омборларида мавсумий ушлаб қолинади.

Рогун ва Даштижума сув омборларининг энергетик режимда ишга туширилиши дарёнинг куйи окимларидаги давлатларда сув танкислигини 7129 млн. куб/метрдан 12467 млн. куб/метрга оширади, баъзан бу курсаткич максимал холатда 16210 млн. куб/метрни ташкил этиши мумкин. Сув танкислигининг 80 фоизи эса вегетация даврига тўгри келади.

Бундан ташкари, Тожикистон хукумати Зарафшон дарёсининг юкори оқимида каскад услубида 10 та гидроэнергетик иншоотни ўз ичига олган комплекс қуришни режалаштирмокда. ГЭСлар учун сув етказиб берадиган сув омборларидаги сув сигими 3,5 куб/км.ни ташкил этади. 870 км узунликдаги Зарафшон дарёси сувининг юкори окимда гидроэнергетик режимда фойдаланилиши натижасида Ўзбекистоннинг 7 млн. ахоли истикомат киладиган Навоий, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида сув танқислиги йилига ўртача 1930 млн. куб/метр, максимал холатда 2328 млн. куб/метрга кўпаяди.

1960 йилгача Орол денгизига Амударё ва Сирдарё сувларининг тўлик куйилиши эвазига унинг сув хажми 1083 куб/км.ни, худуди 68,9 минг кв/км.ни ташкил этган эди. Хозирги пайтда сув микдори 13 мартага, майдони эса 7 мартага кисқарган. Сув сатхи 26 метрга камайган холда, сув

қирғоқлардан 100 км.га чекинган Сувнинг кочиши ва атрофга туз уюмларининг таркалиши натижасида 5.0 млн. гектар майдонни ўз ичига олган «Оролкум» номли янги сахро пайдо бўлган. Буларнинг барчаси Оролбўйи минтақасида хароратнинг кўтарилишига ёки жазирама кунларнинг одатдагидан узокрок давом этишига сабаб бўлмокда. Мутахассислар тахминига кўра, 2035-2050 йилларда минтақада ҳаво ҳароратининг яна 1,5-3 °С даражага ошиши кутилмоқда. Бунинг натижасида мавжуд сув захираларининг Орол сувининг буғланиши хисобига 10-15 фоизи, атрофдаги ўсимликлар транспирацияси туфайли 10-20 фоизи йўқотилиши мумкин. Орол денгизига сув етказиб берувчи дарёлар сувининг буғланиш даражасидан хам ошиб бормокда. Илмий-тадкикотчилар тахминларига кўра, 2050 йилга бориб, Амударё суви 10-15 фоизга, Сирдарё суви 2-5 фоизга камаяди. Йирик сув омборларида катта микдордаги сувнинг вегетация даврида ушлаб турилиши бу жараённи янада кучайтира-

олиб келади.
Инсонларнинг ичимлик сувига бўлган хукуки уларнинг табиий ва бирламчи хукуки хисобланади хамда бу хукук халқаро хужжатларда эътироф этилган хамда химоя қилинган.

ди ва Оролнинг буткул қуришига

«Lahmever International» хулосасига кўра, Рогун ГЭСининг икки турбинали генераторининг ишга туширилиши учун - қурилишнинг биринчи босқичининг ўзига 8,5 йил керак. ГЭС тўла қувватда ишлаши учун лозим бўладиган 13 куб/км сувни йиғилиши учун эса 12-15 йил талаб этилади. Иншоотнинг тўлик ишга туширилиши жами 20 йиллик муддатни тақозо қилади. Бу даврда, ўз-ўзидан маълумки, мазкур дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган давлатларда сув танкислиги юзага келади. Экологларнинг фикрига кўра, вегетация даврида сув танқислиги 22,2 фоизга, сув камчил бўлган йилларда эса, икки баробарга ошиши мумкин. Бундан, ўз навбатида, 18 млн. ахоли бевосита жабр кўради хамда уларнинг ичимлик сувига бўлган эхтиёжини қондириш муаммоси юзага келади.

Дарёнинг юқори оқимидаги давлатларда бу масалага ёндашув бошкачарок. Улар оқар сувларга тижорат ёки иккиламчи эхтиёжларни қондириш воситаси сифатида карашмокда. Мазкур давлатларда жойлашган монопол гигант саноат корхоналари эса электр энергиясининг асосий истеъмолчисидир. Масалан, Тожикистондаги жами энергия ресурсларининг 43 фоизини, жумладан, мамлакатда ишлаб чиқариладиган электр энергиясини 40 фоизини «Тожикистон алюминий компанияси» Давлат унитар корхонаси истеъмол қилади. Биргина Нурек ГЭСи мамлакатнинг электр қувватига бўлган эхтиёжини 70 фоизини таъминлайди. Мамлакатда ишлаб чикариладиган электр энергиясининг атиги 28 фоизигина ахолининг ижтимоий эхтиёжларига йўналтирилади, холос. Кузатувчиларнинг фикрига кўра, Тожикистон ва Киргизистонда курилаётган катта гидро-энергетик иншоотларни қуришдан асосий мақсад тижорат мақсадида электр энергиясини ишлаб чиқариш хамда уни бошқа давлатларга сотишдир. Холбуки, Тожикистон ва Қирғизистон ичимлик сувига бўлган хуқуқ инсоннинг бирламчи табиий хуқуқи эканлигини таъкидловчи инсон хуқуқлари бўйича халқаро билл хужжатларини имзолаган хамда бошқа халқаро шартномаларнинг иштирокчилари хисобланади.

Юқори оқимда йирик гидро-энергетик иншоотларни тез муддат ичида қуриш ва ишга туширишдан қуйи оқимдаги давлатлар учун келиб чиқадиган **иқтисодий зарар**нинг аниқ хисобини айтиш қийин. Бунинг натижасида юзага келадиган экологик ва ижтимоий оқибатлар ҳар қандай мамлакатда кескин вазиятни келтириб чиқариши табиий.

Кейинги беш йилликда, туташ худудлардаги ўрмон ва дарахтзорларнинг қуриши оқибатида 46 млн. АҚШ доллари, пахта экинларининг камайиши оқибатида 206,2 млн. АҚШ доллари хамда пахта ва бошоқли экинлар майдони камайишидан 5,1 млрд. АҚШ доллари, хаммаси бўлиб 17,8 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар кутилмоқда. Балиқчилик хўжалигининг ўзи 14,3 млн. АҚШ доллари хажмида зарар кўради. Бу куйи окимда жойлашган ўзбекистон Республикаси иктисодига жиддий салбий таъсир ўтказади, албатта.

Шунингдек, Рогун ГЭСининг қурилиши Ўзбекистон учун икки томонлама зарарни келтириб чиқармоқда. Ушбу иншоотда ишлаб чиқариладиган электр энергиясини истеъмол қилувчи Тожикистон алюминий заводи йилига 22 минг тонна трансчегаравий хавфли чиқиндиларни чиқарар экан, бундан Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари катта экологик зарар кўрмокда. Жумладан, 2005-2008 йилларда келтирилган экологик-иқтисодий зарар аллақачон 282 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Масаланинг сиёсий жихатига келганда, Марказий Осиёда йирик гидроэнергетик иншоотларнинг курилиши ички ва халқаро барқарорликка таъсир этмай қолмайди.

Тожикистондаги мураккаб иктисодий холат, айникса, жахон молиявийиктисодий инкирозидан кейинги тур-**ГУНЛИК** Шароитида йирик гидроиншоотлар қурилиши мамлакатда сиёсий ва ижтимоий беқарорликни келтириб чикариши мумкин. Рогун ГЭСининг қурилиши 3,3 млрд. АҚШ доллари микдоридаги маблағни талаб қилади. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкин, йирик гидроиншоотларнинг курилиш харажатлари, аксарият холатларда, режадаги харажатдан анча ортиб кетади. Шунинг учун айрим мутахассислар мазкур қурилиш бахосини 6 млрд. АҚШ доллари атрофида белгилашмокда. Бу Тожикистон ялпи ички махсулотининг салмокли кисми деганидир.

2009-2011 йилларда Тожикистон хукумати Роғун ГЭСи қурилишига 420 млн. АҚШ доллари миқдорида маблаг сарфлади. 2012 йил бюджетида кўзда тутилган харажатлар 223 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Европа Иттифокининг Марказий Осиё мониторинг тадкикот гурухи ахборотига кўра, Тожикистон хукумати хар бир тожик оиласига Рогун ГЭСи қурилиши учун 700 АҚШ доллари микдорида мажбурий улуш белгилаган. Хозирга қадар 200 млн. АҚШ доллари Роғун акцияларини аҳолига мажбурий сотиш эвазига тўпланди. Эслатиб ўтиш керакки, 2004-2009 йилларда Сангтуда — 1 ГЭСининг қурилишида хам ахолига ана шундай мажбурият юкланган эди.

Европалик тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра, бугунги кунда Тожикистон ахолисининг 53 фоизи ўртача, 17 фоизи ўта қашшоқ даражада кун кечирмокда. Мана шундай шароитда Рогун ГЭСи курилишини жадаллаштириш мақсадида ахолига солинаётган бундай мажбурий тўловлар уларнинг норозилигига, пировард натижада, ижтимоий-сиёсий портлашга олиб келиши

мумкин. Ёхуд, ахолининг нохуш кайфияти мамлакат ичида ва қўшни худудларда хамон фаолият юритиб келаётган экстремистик ва террорчи кучларнинг ўз харакатларини янада кучайтириши учун асос яратади. Йирик иншоотларнинг хавфсизлигини мана шундай кучлардан химоялаш хам осон эмас. Тожикистон Ички ишлар вазирлиги расмий маълумотига асосланган Европа манбаларига кўра, мамлакатда 1995-2009 йиллар давомида 98 та террористик акт содир этилган.

Халқаро майдондаги сиёсий манфаатлар кескинлашаётган бир пайтда хозирги халқаро вазият Рогун ва минтақадаги бошқа йирик гидроэнергетик иншоотлар қурилишининг геосиёсий таъсирини ҳам унутмасликни талаб этади.

Биринчидан, Қирғизистондаги мавжуд энг йирик Тўхтағул сув омбори (сув сиғими 19,5 млрд. куб/ метр) ва курилиши режалаштирилаётган Қамбарота -1 ГЭСи (сув сиғими 4,5 млрд. куб/метр), Тожикистондаги мавжуд Нурек ГЭСи (сув сиғими 10,5 млрд. куб/метр) ва қурилиши бошлаб юборилган Роғун ГЭСи (сув сиғими 13,5 млрд. куб/ метр) орқали Амударё ва Сирдарё трансчегаравий дарёлари сувининг катта микдорини ушлаб колиниши қуйи оқимдаги давлатларнинг суверенитети ва миллий хавфсизлигига тахдид солиши мумкин.

Катта сиғимдаги сув омборлари юкори окимдаги давлатларга дарёлар оқимининг табиий миқдорини ўзгартириб, муайян ва узокрок муддатда уларни ушлаб туриш имконини беради. Бошқача айтганда, юкори оким давлатларининг бундай имкониятдан сиёсий манипульяция ва инструмент сифатида ёки қуйи давлатлар учун сунъий сув такчиллигини келтириб чиқариш мақсадида фойдаланиши эхтимоли, табиийки, куйи окимдаги давлатларда хавотир уйготади. Оқибатда минтака давлатлари орасида ўзаро ишончга дарз кетади.

Иккинчидан, Марказий Осиёдаги сув муаммоси ташқи манфаатдор кучларнинг минтақадаги фаоллигини кучайтиради. Қудратли давлатлар нафақат гидроэнергетик иншоотлар куриш, балки минтақада ўз таъсирини кенгайтириш мақсадларини кўзлаётган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Эслатиб ўтиш жоизки, Марказий Осиёдаги барча йирик гидро-энергетик иншоотларнинг юраги - қудратли генераторлар Россиянинг «Уралмаш» ва бошқа саноат корхоналарида тайёрланади. Уларни эксплуатация килишда Россиянинг техник кўмаги хеч қачон истисно этилмайди. 2004-2009 йилларда Сангтуда -1 ГЭСи қурилиши харажатининг 75 фоизи Россия сармоялари хисобига копланган эди. Хозирда «Барки Тожики» давлат компанияси инвесторларга қарзни қайтариш борасида қийинчилик ва муаммога дуч келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, йирик гидроэнергетик иншоотларнинг қурилиши минтақамизда тахмин қилиниши мумкин бўлган бемисл фалокатларни келтириб чиқариши эхтимолдан холи эмас. Уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун бир неча ўн йиллар ва ҳатто, юз йиллар талаб қилинишини соҳа мутахасислари таъкидлашмоқда.

Энг мухими, қардош халқларни бир неча минг йиллар давомида ўзаро боглаб келган ва умумий ризқ манбаи бўлган азим дарёларнинг захираларини биргаликдаги харакатлар туфайлигини келажак авлод учун асраб қолиш мумкин. Шу боис, она дарёлар сувларидан оқилона фойдаланиш, асраб-авайлаш, минтақамиздаги хар бир халқ, миллат, элат ва инсоннинг маънавий бурчидир.

Хайдарали ЮНУСОВ, юридик фанлар номзоди, сиёсатшунос, Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти.



ИНСОН ОРГАНЛАРИ САВДОСИ

билан шуғулланганликда гумонланмоқда

Украинанинг Николаевск областида хукукни мухофаза килиш идораси ходимлари томонидан тўхтатилган юк машинасида инсон танасининг баъзи бир органлари юкланганлиги аникланди. Шундан сўнг махаллий суд-тиббий экспертиза бюроси ходимлари хам инсон органлари савдоси билан шугулланганликда гумонланиб кўлга

олинди, дея хабар беради «ТСН» телеканали.

Украина хавфсизлик хизмати маълумотларига қараганда, суд-тиббий экспертиза бюроси ходимлари вафот этган фукароларнинг қариндошлари билан гуё келишиб, кейин уларнинг органларини кесиб олганлиги тутрисида сохта хужжатлар тулдиришган. Бюро вакиллари инсон органларини



трансплантология, яъни инсон органларини кўчириб ўтқазиш билан шу-гулланишга ихтисослашган муассаса-

Хавфсизлик хизмати матбуот котиби Марина Остапенконинг айтишича, бюро ходимлари вафот этган 60 дан зиёд фукаронинг тана кисмларини ноконуний сотганликда гумонланмокда.

қонуний сотганликда гумонланмокда. Хозир тергов-суриштирув ишлари олиб борилмокда.

ЭЛЧИХОНА ЁПИЛДИ

бу ҳақда расмий баёнот берилди

Швейцария хукумати мамлакатнинг Суриядаги элчихонаси расмий ёпилганлигини эълон қилди. Шу билан бирга Сурияда яшаётган ўз фукароларини мамлакатдан тезда чикиб кетишга чакирди, дея хабар беради «Reuters» AA.

Суриянинг Хомс шахрида хукумат кўшини билан кўзголончилар ўртасида жанговар харакатлар бошлангани учун Швейцария хукумати Дамашқдаги элчихонасини ёпишга қарор қилди. Хомсда жорий йилнинг февралидан бери артиллерия

отишмалари ва жанглар тўхтагани

Аввалрок АҚШ, Буюк Британия ва Катар хам Дамашкдаги ўз элчихоналари фаолиятини тўхтатган эди. Франция, Германия, Италия ва Миср эса элчиларини вактинча ча-



қириб олди. Умуман, Сурияда қўзголонлар ўтган йилнинг мартидан бери давом этмокда. БМТ хисоб-китоби бўйича шу давр мобайнида 7500 га

яқин киши қурбон бўлди.

Реклама ва эълонлар

« X 3 TACAHOAT»



уюшмаси жамоаси

барча аёлларимизни, мехрибон оналар, дилбар опа-сингиллар ва гўзал кизларимизни-8 март — Халқаро хотин-қизлар куни





Кир-адирлар, бог-роглар яшил либосга бурканаётган шу кунлардаги қувонч йил бўйи хамрохингиз бўлсин.

> AÑÖMUHFUB муборак булсин, GENE ONG-CHHINAGP!



ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ **«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»**

объявляет конкурс на предоставление услуг по переработке полимерно-дорожного битума марки В-40/50.

Предмет конкурса: Предоставление услуг по переработке полимерно-дорожного битума марки В-40/50 в количестве 490 тонн в кровельный битум, с последующей выдачей сертификата соответствил ГОСТу и другим техническим и нормативным требованиям Республики Узбекистан.

Условия: К коммерческому предложению необходимо приложить расчет расходов по переработке одной тон-

Участники конкурса, представляющие предложения должны быть зарегистрированы, как юридические лица в Узбекистане и быть, правомочными к предоставлению услуг по переработке полимерно-дорожного битума в кровельный.

Заявки на конкурс принимаются по

адресу: Рабочий орган Конкурсной комис-

100167, г.Ташкент, Аэропорт ГА, ул. С.Толипова

Телефон: 140-29-99 Дополнительную информация для участников конкурса можно получить по следующим телефонам:

Тел: 140-29-99, факс: 120-73-18 Срок окончания приема конкурсных предложений: до 17.00 часов

10 марта 2012 года. Ограничения для участия в конкурсе: К участию в конкурсе не допускаются организации и фирмы находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, не представившие в установленный срок все необходимые документы, ненадлежащее исполнявшие принятые обязательства по ранее заключенными договорам, учраежденные менее 6 месяцев до объявления конкурса, находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчикам, не отвечающие требованиям конкурсной комиссии по коммерческим и финансовым показате-

Спорт

Бугун мамлакатимизнинг етакчи жамоалари «Пахтакор», «Бунёдкор» хамда «Насаф» футболчилари Осиё чемпионлари лигаси бахсларини бошлашади. Эртага Фарғонанинг «Нефтчи» вакиллари Осиё футбол конфедерацияси кубоги учрашувида майдонга тушади.



ОФК қарорига кўра, илк маро-Жумладан, барча клубларимиз мавсумлар оралиғида юртимиз-

таба Осиё чемпионлар лигаси учрашувларида мамлакатимизнинг бир йўла уч жамоаси юртимиз шарафини химоя қилмоқда. Жумладан, унда Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчилари дастлабки турда ўз майдонида Австралиянинг «Аделиада Юнайтед» жамоасини қабул қилса, Қаршида «Насаф» аъзолари Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Жазира» вакилларига қарши майдонга чиқади. Ўзбекистон кубогининг амалдаги сохиби пахтакорчилар эса бахсларни сафарда бошлайдиган бўлдилар. Улар бугун Жиддада «Ал-Иттиход» (Саудия Арабистони) жамоасига қарши тўп суришади. ОФК кубогида иштирок этаётган фаргоналиклар юртимиз мухлисларига яхши таниш бўлган «Ал-Вихдат» (Иордания) футболчилари билан бахс юритадилар.

Мазкур нуфузли мусобақаларга жамоаларимиз жиддий хозирлик кўришга ҳаракат қилдилар. нистонлик Артур Геворкян, латвиялик Андрейс Переплёткинс, черногориялик Иван Бошковичлар эса амалдаги мавсумда хам қаршиликлар сафида тўп сури-Бош мураббий Юрий Саркисян ОФК кубоги учрашувларида «Нефтчи» жамоаси такдирини асосан махаллий футболчиларга ишониб топширган.

> си учрашувлари олдидан жамоаларимиз бош мураббийлари дастлабки тур олдидан матбуот анжуманларида иштирок этишди. Жамоамиз илк маротаба

Кеча Осиё чемпионлари лига-

Осиё чемпионлари лигасида иштирок этмокда, — деди «Насаф» жамоаси бош мураббийи Рўзиқул Бердиев. — Шунга қарамай, бу нуфузли мусобақага жиддий хозирлик кўрдик. Ўтган мавсумда ОФК кубогини қўлга киритиб, миллионлаб ишқибозларни қувонтиргандик. Мақсадимиз бу йил хам ўзгармайди. Жамоамиз қатнашадиган барча мусобақаларда фақат ғалаба учун майдонга чикамиз. Мавсумлар оралигида жамоамиз ўзагини сақлаб қолишга муваффақ бўлдик. Гарчи, жамоани Артём Филипосян, Лутфулло Тўраев каби ўйинчилар тарк этган бўлса-да, улар ўрнини Ғайрат Хасанов («Андижон»), Шавкат Раимкулов («Бунёдкор»), Сухроб Неъматов («Бухоро») сингари футболчилар билан тўлдирдик. Гурухимиздан жой олган «Ал-Жазира» (БАА), «Ар-Райян» (Қатар), «Истиклол» (Эрон) жамоалари нафақат ўз мамлакатининг, балки қитъамизнинг номдор жамоалари саналади. Мусобақага тайёргарлик жараёнида бу жамоаларнинг хар бирини пухта ўрганишга ҳаракат қилдик.

Эркин ХОЛБОБО

ОБ-ХАВО 6-7 – 03. 2012 Бухоро ва Навоий вилоятлари бида ўз ўйинлари билан кўпчи-+3 / +8 +3 / +8 ликнинг эътиборига тушган сербиялик Боян Малишич, туркма-

Тошкент, Самарқанд, Жиззах хамда Сирдарё вилоятлари -2 / +3 +9/+14

Қашқадарё хамда Сурхондарё вилоятлари 0 / +5 +9 / +14 Андижон, Наманган хамда

2

Фаргона вилоятлари +5 / +10

Тошкент шахри +8 / +10 0 / -2

Дунё бўйлаб (°С)

+6 / +2 Москва Мадрид Пекин 0 / -2 Гонгконг +20/ +18 Анкара

Стокгольм +18 / +18 Кейптаун

+11 / +9 Гавана +24 / +28 Вашингтон +1 / +2

кенгаши раиси Араббой Хосиятовга акаси Ботир ХОСИЯТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъ-

зия изхор этади.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё ви-

лоят кенгаши Миришкор туман

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



Latif G'ULOMOV **Bobir ALIMOV** XALQ DEMOKRATIK Murodulla ABDULLAYEV MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) Sharbat ABDULLAYEVA **G'affor HOTAMOV** (Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihiddin **MUHIDDINOV Ochilboy RAMATOV** Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti - 233-10-13; Madaniyat va sport - 233-69-45; ljtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targʻibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxong manzili: Buvuk Turon ko'chasi, 41-uv. Gazeta ofset usulida. A-2 formatida bosildi. Haimi 2 bosma tabog

дан ташқари, Бирлашган Араб

Амирликлари ва бошка давлат-

ларда ўкув-машғулот йиғинла-

ри уюштириб, бир қатор МДХ

ва Европа жамоаларига қарши

ўртоқлик ўйинларида майдонга

тушди. Таркибни кучайтириш

борасида «Бунёдкор» хамда

«Пахтакор» жамоаларида олиб

борилган селекция ишлари ай-

ниқса тахсинга лойиқдир. Ма-

салан, австралиялик Дэвид Кар-

ни, словакиялик Ян Козак, қир-

ғизистонлик Эмил Кенжасари-

ев, собиқ насафчилар Артём

Филипосян, Лутфулло Тўраев-

лар янги мавсумни бунёдкорчи-

лар сафида ўтказишга қарор

қилишди. Пахтакорчилар тарки-

бида эса сербиялик Канибал

Ораховац, япониялик Наоя Ши-

бамура, грузиялик Ираклий Кли-

миашвили, сербиялик Боян Ми-

ладиновичлар юртимиз шарафи-

ни химоя этишади. Ўтган мав-

сумда «Насаф» жамоаси тарки-

Gazeta seshanba, payshanba ya shanba kunlari chiqadi.

«Oʻzbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Γ — 346 19850 nusxada

bosildi.

t — Tijorat materiallari OʻzA yakuni — 21.30 Topshirilgan vaqti — 00.30 Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV. Zafar BAKIROV

1 2 3 4 5

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIYEV